

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

320 Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида
муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар-
ни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғри-
сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларга ҳамда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 31 майдаги ПҚ-1765-сон қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 11 июль,
205-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 11 июлдаги 205-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли
ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни олий таълим
муассасаларига қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 31 майдаги ПҚ–1765-сон қарорига асосан муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом олий ҳарбий таълим муассасаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ушбу Низомда назарда тутилмаган барча ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан тасдиқланган олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.

3. Олий таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб юритилади) томонидан тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Танлов абитуриентлар аризасида кўрсатилган ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича кетма-кет таълим йўналишлари, ўқитиш тиллари ва шакллари кўра алоҳида ўтказилади.

II. Ҳужжатларни қабул қилиш

4. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган ва олий таълим муассасасига ҳужжат топшираётган фуқаронинг (кейинги ўринларда абитуриент деб юритилади) ўқишга қабул қилиш ҳақидаги ари-

заси олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан 20 июндан 20 июлгача (шу куни ҳам), Ўзбекистон давлат консерваторияси учун 20 июндан 15 июлгача қабул қилинади.

5. Барча олий таълим муассасалари веб-сайти ва олий таълим муассасалари қабул комиссиялари эълонлар тахтасида таълим йўналишларининг таълим тили бўйича қабул квотаси, олий таълим муассасаларининг бир таълим соҳасига тегишли таълим йўналишлари рўйхати ва тест бўйича уларга мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси эълон қилинади.

6. Абитуриент олий таълим муассасаси қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ариза;

ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасини ёки ўрта таълимни (11-синф негизида) тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасининг асл нусхаси;

086-У-шакл бўйича тиббий маълумотнома;

паспортнинг нусхаси;

ҳарбий гувоҳнома нусхаси;

3.5 x 4.5 см ўлчамли 6 та рангли фотосурат;

белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма ва ишлаб турган соҳадан тавсиянома (махсус сиртки бўлим абитуриентлари учун).

Абитуриент томонидан паспорт ҳамда ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат олий таълим муассасаси қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

7. Ариза шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади.

Аризада:

олий таълим муассасасини тугатганлиги ёки олий маълумоти йўқлиги;

қайси чет тилидан тест топшириши;

ҳарбий қисм қўмондонлиги тавсияномасининг рақами;

тест синовларини ўтказиш қоидалари ва жавоблар варақаларини тўғри тўлдириш билан танишганлиги;

биринчи ва иккинчи олий таълим муассасаси ҳамда таълим йўналиши номлари (бунда йўналиш бўйича тест синовлари топширадиган фанлар мажмуаси (блоки) ва таълим соҳаси мос бўлиши шарт) киритилади.

Абитуриент аризада иккинчи олий таълим муассасаси сифатида биринчисини белгилаб, ундаги бошқа таълим йўналишини кўрсатишга ҳақли (бунда йўналиш бўйича тест синовлари топширадиган фанлар мажмуаси (блоки) ва таълим соҳаси мос бўлиши шарт).

Иккинчи олий таълим муассасаси сифатида белгиланиши мумкин бўлган олий таълим муассасаси (таълим йўналишлари) рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишган ҳолда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади.

8. Ҳарбий қисм тавсияномасининг шакли ва уни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун берилган тавсияномалар, улар берилган санадан бошлаб, уч йил мобайнида амал қилади.

10. Олий таълим муассасаси қабул комиссияси томонидан абитуриентлар ҳақидаги маълумотлар биринчи ва иккинчи олий таълим муассасаси таълим йўналишлари, ўқув шакли ва тили кўрсатилган ҳолда белгиланган шакллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказига кундузги ва махсус сиртқи бўлимлар учун 21 июлда тақдим этилади.

III. Абитуриентларни қабул қилиш

11. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тавсияномаларига эга бўлган барча фуқароларга республиканинг барча олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишларига киришда тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдоридан кўшимча балл шаклидаги имтиёз берилади.

12. Абитуриентнинг тўплаган баллари унинг аризасида кўрсатилган биринчи олий таълим муассасаси бўйича давлат гранти ёки тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишга етарлича бўлган тақдирда, унинг тест синови натижалари ушбу олий таълим муассасасида эълон қилинади ва унга аризасида кўрсатилган иккинчи олий таълим муассасаси таълим йўналиши бўйича танловда иштирок этишига рухсат этилмайди.

13. Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган, аммо улар учун имтиёзлар бўйича белгиланган кўшимча балларни ҳисобга олган ҳолда биринчи олий таълим муассасаси танловидан ўта олмаган абитуриентларнинг республикадаги бошқа олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги аризалари тест синовлари тугагандан кейин 10 кун мобайнида Давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

14. Ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган абитуриент биринчи олий таълим муассасасида тўплаган балли билан аризасида кўрсатилган иккинчи олий таълим муассасаси таълим йўналишида танловда иштирок этади ва унинг балли етарлича бўлган тақдирда фанлар бўйича топширилган тест синовлари фанлар тўплами (блоки) ва абитуриент томонидан тўпланган балларга мувофиқ белгиланган квота доирасида тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш Давлат комиссияси қарорига биноан амалга оширилади.

Ушбу абитуриентнинг тест синови натижалари унинг аризасида кўрсатилган биринчи ва (ёки) иккинчи олий таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан эълон қилинади.

15. Абитуриент ўз аризасида кўрсатилган иккинчи олий таълим муассасаси таълим йўналиши бўйича ҳам етарлича балл тўплай олмаган тақдирда, унга мазкур ва бошқа олий таълим муассасасидаги бошқа таълим йўналишларида қўшимча равишда танловда иштирок этишга рухсат этилмайди.

16. Абитуриентлар ўз аризасида кўрсатилган бошқа олий таълим муассасасига Давлат комиссиясининг қарорига биноан ўқишга қабул қилинган ҳолларда уларнинг ҳужжатлари бир олий таълим муассасасидан иккинчи олий таълим муассасасига тақдим этиш учун тилхат билан абитуриентга берилади.

Абитуриент ҳужжатларни тест синовлари эълон қилинган кундан кейин бир ҳафта муддатда олиши ва икки ҳафта муддатда ўқишга қабул қилинган олий таълим муассасасига тақдим этиши шарт.

Узрли сабаблар билан кўрсатилган муддатларда тақдим этилмаган ҳужжатлар олий таълим муассасасининг бўйсунуви бўйича вазирликлар ва идоралар томонидан истисно тариқасида кўриб чиқилади.

IV. Яқунловчи қоидалар

17. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 11 июлдаги 205-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартиришлар

1. Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошидаги «умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасасини фақат кўрсатилган тилларда тугатган» сўзлари «кўрсатилган тилларда ўрта таълим муассасасини тугатган абитуриентлар ёки кўрсатилган тилларда умумий ўрта таълим муассасасини тугатиб, академик лицей (касб-хунар коллежи) дипломига эга бўлган» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Низомнинг 12-банди тўртинчи хатбошидаги «чет тилидан қайси фандан» сўзлари « қайси чет тилидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Низомнинг 16-банди йигирма олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тест синовлари ўтказиладиган бинога киришда абитуриент микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб киришга ҳаракат қилса ёки олиб кирган бўлса, тест синовлари давомида тест материалларини бошқа абитуриентга узатса ёки ёрдам берса, абитуриент тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва Давлат тест маркази вакили томонидан далолатнома тузилиб, у тест жараёнидан четлаштирилади».

4. Низомнинг 19-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«19. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларни республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тасдиқланган низом асосида белгиланган тартибда амалга оширилади.»

5. Низомнинг «Олий таълим муассасаларида ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича касбий (ижодий) имтиҳонларни ўтказиш тартиби» 6-бандининг биринчи хатбошидаги «(тегишли равишда 75,6 балл ёки 39,6 балл)» сўзлари чиқариб ташлансин.

6. Низомнинг «Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш тартиби» 1-бандидаги «аттестатига» сўзи «аттестати, имконияти чекланган шахслар учун ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари томонидан кўзи ожизлар учун берилган диплом, ўрта таълим (11-синф базасида) ҳужжати ёки академик лицей (касб-ҳунар коллежи) дипломига эга бўлган кўзи бўйича 1-гуруҳ ногиронлиги тўғрисида белгиланган тартибда берилган шаклдаги маълумотномасига» сўзлари билан алмаштирилсин.